

Мавзу: Лалмикор майдонлардан самарали фойдаланиш омиллари

РЕЖА:

- 1. Мамлакатимизда лалмикор майдонлардан фойдаланиш
омиллари ва усуллари.**
- 2. Лалмикор майдонларда кузги ғалла экиш.**
- 3. Кузги ғалладан сўнг такрорий экин экиш тартиби.**

1. Ҳозирги кунда республикамизнинг лалмикор майдонларида ҳар қандай об-ҳаво шароитида барқарор юқори ҳосил етиштиришнинг асосини ташкил этадиган ғалла-тоза ва банд шудгор, ғалла-банд шудгор-беда алмашлаб экиш ҳамда бу тизимда нокулай тупроқ ва об-ҳаво шароитлар, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғалла ва дуккакли экинларнинг лалми навларини экиш, уларни ресурстежамкор агротехнологиялар асосида етиштириш ўта долзарб вазифалардан биридир. Лалмикор майдонларда фермер хўжаликларининг тупроқ ва об-ҳаво шароитлари, қайси соҳага ихтисослашганлиги, ер майдонининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ғалла-шудгор навбатлаб экишнинг қисқа ротацияли схемаларини қўллашни тавсия этамиз:

- ёғин-сочин кам кузатиладиган (йиллик ёғин ўртача 250–280 мм) текислик майдонларда икки далали ғалла-тоза шудгор (ғалла 50 %, тоза шудгор 50 %);
- ёғин-сочин билан ярим таъминланган (йиллик ёғин ўртача 350–400 мм) қир-адирлик минтақада уч далали – тоза шудгор- ғалла-ғалла (тоза шудгорнинг улуши 34 %, ғалла 66 %) ва беш далали тоза шудгор-ғалла-ғалла-банд шудгор-ғалла навбатлаб экиш схемаси, бунда тоза ва банд шудгор 40, ғалла эса 60 % ни ташкил этади;
- ёғин-сочин билан таъминланган (йиллик ёғин ўртача 400 мм. дан кўпроқ) тоғ олди майдонларда – олти далали тоза шудгор-ғалла- ғалла-банд шудгор ғалла-ғалла навбатлаб экиш схемалари (ғалланинг улуши 66, тоза ва банд шудгор 34 %). Тоғли майдонларда (йиллик ёғин ўртача 400–600 мм) 10 далали ғалла-банд шудгор-беда алмашлаб экиш схемаси. Бу схемада ғалла улуши 40, беданики 50 ва тоза ёки банд шудгорники 10 % ни ташкил этади.

Қир-адирлик ва тоғ олди лалмикор майдонларда тупроқ унумдорлигини ошириш, унинг структурасини яхшилаш ҳамда чорва молларини тўйимли ва оксилга бой ем-хашак билан таъминлаш мақсадида ғалла-тоза ва банд шудгор алмашлаб экиш схемаларидан ташқарида 15 фоиз майдонга беда экилади. Бундай минтақаларда алмашлаб экишнинг 1–2 ротацияси тугагандан сўнг ўтмишдош экинлар беданинг ўрнига кўчирилади. Бу минтақаларда бедани алмашлаб экиш схемаларидан ташқарида ўсимликнинг сийракла-шишига қараб 5–7 йил, ҳатто 10–12 йил мобайнида ҳам ўстирилиши мумкин. Тоғли лалмикор майдонларда беда тўғридан-тўғри алмашлаб экиш схемасига киритилади ва 3–4 йил давомида ўстирилади. Лалмикор ерларда тупроқда табиий намликни тўплаш, уни сақлаш ва вегетация даврида ундан самарали ва тежамли фойдаланиш ҳамда бегона ўтларга қарши курашда тоза шудгорнинг аҳамияти катта. Тоза шудгорга қолдирилган далаларни ҳайдашнинг мақбул муддати текислик майдонларда март, қир-адирликларда мартнинг охири-апрелнинг биринчи ярми, тоғ олди ҳудудларда апрелнинг иккинчи ярми ва тоғли майдонларда эса май ойининг биринчи ярми ҳисобланади. Тоза шудгорни кўтариш 20–22 см чуқурликда боронасиз ағдариб ҳайдаш орқали амалга оширилади. Кузги ғалла экиш мавсумигача ёз ойларида бегона ўтларнинг пайдо бўлишига қараб 2–3 марта плоскорез ёки чизель культиваторлар ёрдамида тупроққа 8–10 см чуқурликда ишлов берилади. Тоза шудгорга охириги ишлов кузги ғалла уруғини экиш олдидан берилади (октябрь) ва тупроқдаги намликни сақлаш ва тупроқни зичлаш мақсадида оғир мола ёки катоклар билан ишлов берилади. Ҳозирги кунда деярли барча лалми майдонларда

тоза шудгорга қолдирилган далаларнинг кеч ҳайдалиши ва ёз ойларида уларга мутлақо ишлов берилмасдан яйлов сифатида фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Табиийки, бундай тоза шудгорнинг анғиздан деярли фарқи бўлмайди. Республикамизнинг турли лалмикор минтақаларида тупроққа ишлов бериш усули ва чуқурлиги экин тури, экиш муддати ва ўтмишдошга қараб қуйидагича ўзгаради: Кузги ғалла майдонларга (анғизга) ишлов бериш. Ҳозирги пайтда деярли барча лалмикор минтақаларда тоза ва банд шудгор ҳамда беда майдонларининг кескин қисқариб кетганлиги туфайли уруғ анғизга, яъни ғалладан бўшаган майдонларга экилади. Ғалладан бўшаган ерлар октябрнинг иккинчи ярмида 20–22 см чуқурликда ағдариб ҳайдалади. Бу пайтда тупроқда намликнинг ниҳоятда кам бўлиши туфайли шудгор қилинганда катта-кичик кесаклар пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда бу кесакларни майдалаш учун БДТ-3, БДТ-9 русумли оғир дискали бороналардан, аксарият ҳолларда эса оғир рельс ва лотоклардан фойдаланилмоқда. Бу эса ортиқча эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва ишчи кучи сарфлашга олиб келади. Шу боис ерни экишга тайёрлаш ва экиш ишларини тупроқда етарли нам тўплангандан сўнг, яъни октябрнинг охири ва ноябрь ойларида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Анғизга ғалла экиладиган майдонларда ерни экишга сифатли қилиб тайёрлашнинг мақбул усулларида бири ерни ғалла ўрими билан пешма-пеш ҳайдашдир. Гап шундаки, кузги ғалланинг тўлиқ пишиш даврида тупроқда 8–9 % қолдиқ нам мавжуд бўлади. Ғалла ўрим-йиғими билан пешма-пеш плоскорез ёки оғир дискали бороналар билан 10–12 см чуқурликда ерни юмшатиш биринчидан бегона ўтларнинг камайишига, иккинчидан кузда плуглар билан 20–22 см чуқурликда қайтадан ҳайдалганда кесаклар пайдо бўлмаслигига ва ернинг сифатли ҳайдалишига имкон беради. Шунингдек, ҳозирги кунда лалми экинлар уруғчилигини илмий асосда ташкил этиш долзарб аҳа-миятга эга. Бу борада суғориладиган ерларда ғалла ва дук-какли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол филиалида республикамизнинг қуйи лалмикор минтақалари учун юмшоқ буғдойнинг «Тезпишар», «Красноводопад», «Зумрад», тоғли майдонлар учун «Сурхак–5688», «Оқ буғдой», «Грекум–439», «Санзар–6», арпанинг «Унумли арпа», «Лалмикор», «Саврук» каби навларининг юқори репродукцияли (супер элита) уруғини етиштириш бўйича селекция ва уруғчилик бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, ғалла-шудгор алмашлаб экиш тизимида ғалла ва бошқа экинлар учун яхши ўтмишдош ҳисобланадиган, тупроқни органик моддалар ва азот билан бойитадиган дуккакли экинлардан нўхатнинг «Юлдуз», «Жаҳонгир», «Ўзбекистон–32», «Лаззат», «Восток–84» каби навларининг суперэлита уруғини етиштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Республикамизнинг турли лалмикор минтақаларида чорва молларини тўйимли оқсилга бой ем-хашак билан таъминлаш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган беданинг «Бойгул», «Аридная», аҳолининг экологик тоза мойли ва полиз экинларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришда мойли экинлардан махсарнинг «Милютин–114», «Ғаллаорол», зигирнинг «Бахмал–2», «Баҳорикор», кунжутнинг «Тошкент–122», кунгабоқарнинг «Чкалов гиганти», «Нур–5», тарвузнинг «Қора қўзибой», қовуннинг «Ичи қизил» каби навларини

экиш тавсия этилади. Лалмикор майдонларда кузги бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда маҳаллий ва маъданли ўғитларни қўллаш муҳим омиллардан биридир. Бу майдонларда ўғитлар ҳисобига олинадиган қўшимча ҳосил ва кутиладиган иқтисодий самарадорлик ёғин-сочин миқдори, тупроқ унумдорлиги, ўтмишдош экин тури, ўғитларни қўллаш муддатлари, меъёри ҳамда уларнинг турига боғлиқ. Ёғин-сочин кам кузатиладиган текислик минтақаларда маъданли ўғитлар аксарият йилларда самара бермайди. Фақат об-ҳаво серёғин келган (300–350 мм) йиллардагина ўғитлар қўллаш тавсия этилади. Бу йилларда кузги ғалла экинлари учун гектарига соф таъсир этувчи модда ҳисобида 30 кг. дан азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар бериш зарур. Ёғин-сочин билан ярим таъминланган лалмикор ерларда ўғитлар меъёри 40 кг/га азот, фосфор ва калийни, тоғ олди ва тоғли майдонларда барча ўғитлар меъёрини 50 кг/га, серёғин келган йилларда (400–600 мм) эса 60 кг/ гача (соф таъсир этувчи модда ҳисобида) бериш ҳосилдорликни ўртача 4–5 центнерга ошириш имконини беради. Лалми ерларда фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрини кузда, экиш олдидан, азотли ўғитларни эса эрта баҳорда, майсаларнинг баҳорги вегетацияси бошланган пайтда бериш тавсия этилади. Ёғингарчилик кам кузатиладиган текислик лалмикор майдонларда кузги буғдой уруғини экишнинг мақбул муддати октябрнинг охири ва ноябрнинг дастлабки ўн кунлиги, ёғин-сочин билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақада октябрнинг иккинчи ярми, тоғ олди ва тоғли ҳудудларда эса сентябрнинг охири, октябрнинг биринчи ўн кунлиги ҳисобланади. Таъкидлаш зарурки, лалмикор майдонларда ғалла экинларининг бир даланинг ўзида узлуксиз экилиши, тупроққа сифатсиз ишлов берилиши, тоза ва банд шудгор майдонларнинг кескин камайиб кетиши, маҳаллий ва маъданли ўғитлар, айниқса, фосфорли ва калийли ўғитлардан кам миқдорда ёки бутунлай фойдаланмаслик туфайли бегона ўтлар сони ва турининг кўпайиши, касаллик ва зараркунандаларнинг кенг тарқалиши кузатилмоқда. Лалмикор майдонларда бегона ўтларни камайитиш, тупроқдаги намликни сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга агротехнологик тадбирлардан бири бороналашдир. Бу тадбирни ёғингарчилик кам кузатиладиган ерларда март, ярим таъминланган қир-адирлик майдонларда март-апрель, тоғ олди ва тоғли ерларда эса май ойининг биринчи ўн кунлигида бажариш лозим. Ҳозирги пайтда ғалла майдонларида бегона ўтларга қарши курашда гектарига 15–20 г 75 % ли Гранстар, 10–20 г/га ҳисобида «Дафосат», 15–20 г/га 50 % ли «Гранстар плюс», 10–20 г/га ҳисобида «Биостар», «Тайфун» ва бошқа гербицидлардан фойда-ланиш тавсия этилади. Ғалла майдонларида учрайдиган қаттиқ ва чанг қоракуяга қарши уруғлик буғдой ҳар тонна уруғ ҳисобида 2,5 кг «Буғдойдор», 0,4–0,6 л/г ҳисобида «Баҳор», 2,5–3 л/т ҳисобида «Витавакс 200», 2–2,5 л/т ҳисобида «Витавакс 200 ФФ» ва бошқалар билан экишдан 2–3 ҳафта олдин дориланиши лозим. Кузги ғалла майдонларида учрайдиган сариқ ва кўнғир занг, сариқ барг доғланиши ва бошқа касалликларга қарши гектарига 0,3 л ҳисобида 33 % ли «Альтосупер», 1 кг/га ҳисобида 25 % ли «Байлетон», 0,3–0,5 л/га ҳисобида «Колосал», 0,260 л/га ҳисобида «Титул» ва бошқа фунгицидларни пуркаш тавсия этилади. Республикамизнинг суғориладиган ва лалмикор майдонларида кузги бошоқли дон экинлари ҳосили ва

унинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатаётган зарарли хасва, шилимшиқ қурт, шираларга қарши курашда гектарига 0,15 л ҳисобида «Карате», 1,5 л/га ҳисобида «Б-58 Янги», 0,6–0,8 л/га ҳисобида «Децис», шунингдек, чигирткаларга қарши 0,05–0,08 л/га ҳисобида «Децис» инсектицидларини пуркаш зарур. Барча турдаги кимёвий препаратларни ҳаво очик, шамол тезлиги 0,5 м/сек. дан ошмаган пайтда пуркаш яхши самара беради. Бунда сув сарфи гектарига 200–300 л. ни ташкил этиши лозим. Лалмикор майдонларда деҳқончилик қилаётган фермер хўжаликларида тупроқ ва об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда ғалла-тоза ва банд шудгор-беда навбатлаб экишнинг мақбул схемаларини жорий этиш, серхосил, ноқулай об-ҳаво шароитлари, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларни танлаш, уларни ресурс тежовчи агротехнологиялар асосида парваришлаш юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан биридир.

2. Мамлакатимизда дон етиштиришни янада кўпай-тиришнинг муҳим омилларидан бири лалмикор ғалла етиштириш ҳисобланади. Лалмикор ерларда табиий намликдан тежамли фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда ғалла-тоза шудгор ёки ғалла-банд шудгор (нўхат, кунжут, полиз экинлари) алмашлаб экиш тизимини кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Республикаimizдаги барча лалмикор майдонларни денгиз сатҳидан жойлашган баландлиги, тупроқ ва об-ҳаво шароитларига кўра 4 минтақага бўлиш мумкин. Текислик лалмикор минтақа ёғин- сочин билан кам таъминланган бўлиб, йиллик ёғинлар миқдори 250–300 мм. ни ташкил этади. Бундай минтақаларда асосан арпа етиштириш мақсадга мувофиқдир. Ёғингарчилик билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақаларда йиллик ёғинлар миқдори 300–350 мм. ни ташкил этади. Ушбу минтақада агротехник қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда деҳқончилик юритилганда барча турдаги лалмикор экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш мумкин. Тоғолди минтақа ёғин- сочин билан таъминланган бўлиб, йиллик ёғинлар миқдори 400–450 мм. ни ташкил этади. Бундай ҳудудлар лалмикор деҳқончилик учун қулай ҳисобланади. Тоғли минтақада йиллик ёғинлар миқдори

450–500 мм ва ундан кўпроқни ташкил этиб, бундай майдонларда ғалла-банд шудгор ва беда навбатлаб экиш тизимини жорий этиш тупроқдаги табиий намлик ҳамда унинг унумдорлигидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Ерни экишга тайёрлаш ва шудгорлаш. Барча лалмикор минтақаларда тупроққа ишлов бериш муҳим ва ҳал қитувчи агротехнологик тадбирлардан бири ҳисобланади. Тупроқнинг кимёвий, сув-физик ва микробиологик хусусиятлари бевосита тупроққа ишлов бериш муддати, чуқурлиги, усули ҳамда сифатига боғлиқ. Лалмикор ерларда тупроқда намликни кўпроқ тўплаш ва вегетация даври давомида ундан самарали ва тежамли фойдаланишда тупроққа ишлов беришнинг мақбул тизимини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ерни 20–22 см чуқурликда ҳайдаш тавсия этилади. Бундан саёз ҳайдалаганда тупроқда етарли намлик тўпланмайди, илдиз тизими пастга чуқур кетмайди ёки чуқурроқ ҳайдалганда эса тупроқнинг унумдор қатлами пастга тушиши оқибатида ҳосилдорлик пасаяди. Плуглар ўткир лемехлар билан таъминланган, улар орқасига катоклар ёки тишли

бороналар тиркалган бўлиши зарур. Лалмикор ерларда тупроққа ишлов бериш тизимини тўғри олиб бориш ўсимликни бутун вегетация давомида намлик, озиқа моддалар билан етарли даражада таъминлаш, тупроқнинг сув-физик хусусиятларини яхшилашда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тупроққа турли усул ва чуқурликда ишлов бериш орқали уни сув ва шамол эрозияси, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш мумкин. Тадқиқотларда аниқланишича, ғалладан бўшаган ерларни пешма-пеш хайдаш кузда экишдан олдин тупроққа ишлов беришни анча осонлаштиради, ишчи кучи, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан тежамли фойдаланиш ҳамда кузги экишни қулай муддатларда сифатли ўтказиш имконини беради. Экиш муддати ва меъёри. Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, кузги бошоқли дон экинлари уруғини лалмикор ерларнинг тупроқ-иқлим шароити, навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб экиш мақсадга мувофиқ. Бу кузги ғалла уруғининг қисқа муддатларда тўлиқ униб чиқиши, қишнинг совуқ кунларига қолмасдан тўлиқ туплаши ва ҳосилнинг эртароқ пишиб етилишини таъминлайди. Лалмикор ерларнинг текислик минтақасида кузги ғаллани экишнинг мақбул муддати ҳудуднинг об-ҳаво шароитлари, хусусан, ёғингарчилик миқдорига қараб октябрнинг 2–3-ўн кунлигига тўғри келади. Бу минтақада экиш меъёри гектарига 115–120 кг бўлиши керак. Ёғин-сочин билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақада эса бу муддат октябрнинг 2-ўн кунлигига тўғри келади. Бунда экиш меъёри гектарига 130–140 кг. ни ташкил этиши лозим. Тоғолди ва тоғли лалмикор минтақаларда бошоқли дон экинлари уруғини экишнинг мақбул муддатлари октябрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бунда гектарига 150–160 кг меъёردа уруғ сарфланиши тавсия этилади. Уруғлар СЗС-3,6 русумли сеялкада 4–5 см чуқурликка экилади. Бунда сеялкаларнинг созлигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Республикамизнинг барча лалмикор минтақаларида кузги бошоқли дон экинлари ҳосилдор-лигини оширишда муҳим омиллардан бири навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш ҳамда уларнинг уруғчилигини илмий асосда ташкил этишдир. Бугунги кунда аксарият фермер хўжаликларида муайян об-ҳаво шароитларига мос келмайдиган навларни экиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундан ташқари уруғни кондицияга етказиб тозалашга ҳамда экиш олдида кимёвий препаратлар билан дорилашга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Табиийки, ғалла экинлари навларининг нотўғри танланиши ва жойлаш-тирилиши, сифатсиз уруғ экилиши ҳосилдорликнинг 30–40 ва ундан кўпроқ фоизга камайишига олиб келади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, лалмикор ерларнинг куйи минтақаларида экиш учун иқлимлаштирилган ҳамда Давлат реестрига киритилган юмшоқ буғдойнинг «Тезпишар», «Зумрад», «Красноводопад–210», каттиқ буғдойнинг «Леукурум–3», «Марварид», «Жавохир», арпанинг «Унумли арпа», «Нутанс–799», «Лалмикор», «Саврук» каби серҳосил ва ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли навларини экиш тавсия этилади. Тоғолди ва тоғли минтақаларда эса буғдойнинг «Оқ буғдой», «Грекум–40», «Сурхак–5688», арпанинг «Унумли арпа» ва «Нутанс–799» каби навларини экиш мақсадга мувофиқ. Ғалла экинларини озиқлантириш. Лалмикор майдонларда бошоқли дон экинларини уларнинг биологик хусусиятлари, тупроқ унумдорлиги ва об-ҳаво шароитларини инобатга олган ҳолда озиқлантириш ҳар гектардан кўшимча 3–5

центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил етиштиришни таъминлайди. Фосфорли ўғитларни қўллашнинг мақбул йиллик меъёри ёғин-сочин билан ярим таъминланган ҳудудларда физик ҳолда гектарига 60 кг/га аммофос ёки 120 кг суперфос, тоғолди ва тоғли минтақаларда бу меъёр тегишлича 75 ва 150, азотли ўғитлар меъёри эса 50 кг (карбамид) ёки аммиакли селитра ҳолида 100 кг. ни ташкил этиши лозим. Бундан ташқари ёғингарчилик кам бўлган йиллари ғалла майдонларини суспензия билан озиқлантириш ҳам ҳосилдорликнинг сезиларли ошишига олиб келади. Таъкидлаш лозимки, ёғин-сочин кам кузатиладиган текислик лалмикор минтақаларда аксарият йилларда минерал ўғитлар билан озиқлантириш кутилган натижани бермайди. Фақат об-ҳаво серёғин келган (300–350 мм) йиллардагина экинларни таъсир этувчи модда ҳисобида гектарига 60 кг аммофос ёки 120 кг суперфос, азотли ўғитлар эса 60–90 кг (карбамид ёки аммиакли селитра) меъёрда қўллаш мақсадга мувофиқ. Лалмикор майдонларда деҳқончилик қилаётган фермер хўжаликларида лалмикор майдонларда кузги ғалла етиштиришда тупроқ ва об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда юқоридаги тавсияларга тўлиқ риоя қилинса, келгуси йилда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга пухта замин яратади.

3. Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида ловия экилганда тупроқдаги органик углерод миқдори 0,061 % га, умумий азот миқдори 0,015 % га, аралаш сидерат экинлар (перко, сули, кўк нўхат) экилганда эса органик углерод миқдори 0,073 % га, умумий азот миқдори эса 0,017 % га ортганлиги кузатилди. Навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин ловия:ғўза тизимида такрорий экин сифатида ловия экинини экилиши 38,4 ц/га пахта ҳосили олишни таъминлаб, назорат вариантыга нисбатан 5,8 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди. Ғўзани кузги буғдойдан сўнг ҳеч қандай такрорий экин экилмай шудгор қилиб қўйилган далага экилиши натижасида унинг вилт касаллиги билан зарарланиш даражаси такрорий ва аралаш сидерат экин сифатида дуккакли- дон экинлардан сўнг экилганга нисбатан ортади. Ғўзани кузги буғдой аңғизига экилган такрорий дуккакли-дон (ловия) ва аралаш сидерат экинлар (перко, сули, кўк нўхат) дан кейин етиштирилганда унинг вилт касаллиги билан зарарланиш даражаси назоратга нисбатан 36,1-51,1 % га камаяди. Навбатлаб экишнинг 1:1 тизими қўлланилганда кузги буғдойдан 62,5 ц/га, такрорий экин соядан 17,2 ц/га, ловиядан 20,9 ц/га, мошдан 12,5 ц/га дон ҳосили олиш эвазига бир йилда бир майдондан ўртача 75,0–83,4 ц/га дон ҳосили олиш мумкинлиги аниқланди. Аралаш озиқа экинлари (перко, сули, кўк нўхат) июл ойининг учинчи ўн кунлигида экилганда уруғ суви берилгандан сўнг 7 кунда тўлиқ ундириб олиш ҳамда уларни қисқа муддатларда парвариш қилиб, 321,2 ц/ га кўк масса ёки 56,3 ц/га миқдорида пичан ҳосили олиш мумкин.